



ТЕМИРҮО‘ЛЧНИ

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҮО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 26-март • payshanba • № 12 (6592)

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

МАРКАЗИЙ АППАРАТДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРГА ЭГА СПОРТ ЗАЛИ ОЧИЛДИ

2026 йил 25 март куни “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ ДИРЕКЦИЯСИДА ЯНГИ ТАЪМИРЛАНГАН ВА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРГА ЭГА СПОРТ ЗАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Бошқарув раиси З.Нарзуллаевнинг ташаббуси билан амалга оширилган ушбу аҳамиятли тадбир марказий аппаратда фаолият кўрсатаётган 1500 нафарга яқин темирйўлчилар учун Наврўз байрамига муносиб совға бўлди.

Спорт залининг очилиш маросимида бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, департамент ва бошқарма бошлиқлари иштирок этиб, янги таъмирланган спорт залини ва бу ердаги замонавий жиҳозларни кўздан кечирди. З.Нарзуллаев ушбу замонавий зал темирйўлчиларни спортга жалб қилиш, уларнинг соғломлашишини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишга имкон беришини алоҳида қайд этди.

Марказий аппаратда спорт зали аввалдан мавжуд бўлиб, у асосан хотин-қизларга мўлжалланган, жиҳозлари эскириб, фойдаланиш имко-

ниятлари кам эди. Янги ва замонавий таъмирланган спорт залида эса ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, аёллар ва эркеклар учун алоҳида заллар, шунингдек, кутиш ва ювиниш хоналари қурилди. Заллар юқори сифатли қурилиш материаллари билан безатилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Эркаклар залида бир вақтнинг ўзиде 60 нафарга яқин ходим шуғулланиши мумкин бўлса, аёллар залида 20 нафарга яқин ходим шуғулланиш имконига эга. Бундан ташқари, ҳар икки залда ҳам махсус спорт мураббийлари фаолият кўрсатади.

Янги спорт залларига замонавий жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, бу ерда 25 турдаги спорт анжонлари мавжуд. Ҳар бир зал замонавий видеокузатув тизими, ҳаво тозалаш мосламалари, иситиш ва совитиш тизимлари билан таъминланган. Спорт залидан ҳар



кунни соат 9:00 дан 22:00 гача 250-300 нафар атрофидаги темирйўлчи фойдаланиши кутилмоқда.

Шунингдек, бошқарув раиси Ишларни бошқариш дирекциясининг энергия навбатчилари учун янги

таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган 6 та хонадаги шароитларни кўздан кечириб, қулай шарт-шароитларда меҳнат қилаётган темирйўлчилар билан суҳбатлашди. Бино ичидаги кутубхона фао-



лиятини ҳам ўрганиб чиқди. Бошқарув раиси масъул мутахассисларга ишчи-ҳодимлар учун қулайликларни янада яхшилашга қаратилган таклиф ва тавсияларини бериб, мазкур спорт зали ишчи-

ҳодимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларнинг жисмоний фаоллигини оширишга ҳам катта ҳисса қўишини алоҳида таъкидлади.

Рустам ХАЙДАРОВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНМОҚДА

Наврўз байрами муносабати билан “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали корхона ва ташкилотларида темирйўлчилар моддий рағбатлантирилиб, ҳудудларда кўчаларнинг яшилдириш ва ободонлаштириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди.



рих зарварақларидан Наврўз байрами пайдо бўлишига эътибор қаратсак.

Наврўз байрамининг қачон вужудга келгани ҳақида бизгача етиб келган қадимий манбалардан шу нарсга кўринадики, у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳмонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. Шу маънода Наврўз тарихи 25-30 асрга эга деб тахмин қилиш мумкин.

Наврўз қачон, қандай вужудга

келганидан қатъи назар, у ҳар томонлама илмий асосланиб, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғлигининг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб қабул қилинган (Наврўз – “янги кун” деган маънони билдиради). Наврўз эски қуёш календари ҳисобида фарвордин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келган. Бу кун “ки-



чик Наврўз” деб аталган ва бу кундан бошлаб табиатдаги ҳамма нарсаси амалга қиради, деб ҳисобланган.

Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” номли китобида қимматли маълумотлар бериб, унда кичик байрам фарвордин ойининг олтинчи кунигача давом этганини таъкидлаган.

Демак, фарвордин ойининг олтинчи кунини “Катта Наврўз”нинг моҳиятини бевосита табиат билан боғлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: “...у бутун йил унга хизмат қилади-ган бир вақтда, яъни баҳор ёмиғининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”. Бу фикрлар Наврўзнинг қадимдан табиат ва баҳор байрами бўлганини яна бир қарра исботлайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Наврўз ўтмишдаги ҳар бир синфий жамиятда подшоҳар ҳукмдорлиги, диний идеология таъсирида шаклан ўзгариб турса-да, у ўзининг асосий моҳиятини сақлаб қолди. Ҳақиқий

халқ байрами бўлиб, меҳнат аҳли орасида катта тантаналар билан нишонланган. Бинобарин, қадимдан халқда байрамни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган.

Исломагача бўлган Наврўзда оддий халққа тегишли бўлган одатлар ҳам диққатга сазовордир. Байрам кунини одамлар бир-бирига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиш (ҳаётингиз ширин бўлсин, деган маънода), бир-бирига сув сепиш (бу йил сув кўп бўлсин, ҳосил яхши бўлсин, деган маънода) ва бошқа одатлар кенг тарқалган. Кейинги асрларда эса ҳовли-жойларни тозалаш, кукат ва гуллар экиш, ота-она, ёру дўстларни зиёрат қилиш, марҳумларнинг қабрини ободонлаштириш каби одатлар Наврўз байрамининг таркибий қисмига айланган.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин! Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий айтганларидек, “Ҳар тунинг кадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз”.


К.КАРИМОВ,
“Термиз МТУ” филиали
Ҳудудий касаба уюшма
қўмитаси раиси

ТАДБИР


ЖАРАЁН

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИДИР

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тегишли шошилиночмаси ижросини таъминлаш мақсадида “Темирйўленилғитаъмин” бошқармасида масофавий видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда коррупциянинг олдини олиш ва соҳада очиқликни таъминлаш масалалари танқидий таҳлил қилинди. Zoom платформаси орқали



ташкил этилган ушбу тарғибот тадбирида “Темирйўленилғитаъмин” бошқармаси бошлиғи А.Одилов ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Ф.Зулфикаров иштирок этди.

Йиғилишда куйидаги асосий масалаларга тўхталиб ўтилди:

2026 йил – Коррупцияга қарши кескин кураш йили: давлатимиз раҳбари томонидан ушбу иллатга қарши курашишни “фавкулдда ҳолат” даражасига кўтариш вазифаси белгилангани алоҳида қайд этилди.

Ёқилғи-мойлаш ресурсларидан фойдаланишда инсон омиллини камайитириш учун замонавий рақамли

технологияларни жорий этиш устувор вазифа сифатида кўрсатилди.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат раҳбарлар ёки назорат органларининг иши, балки ҳар бир ходимнинг виждон амри ва шахсий бурчи бўлиши шартлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлашда белгиланган талабларга қатъий риоя этиш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий омил эканлиги айтиб ўтилди. Зеро, коррупцияга қарши курашиш нафақат раҳбарият, балки ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятидир.

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДАВОМИДА САХОВАТ ВА ХАЙРИЯ НАМОЁНИ

Рамазон ҳайити ва Наврўз — халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи, эзгу анъаналар, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик ғоялари мужассам бўлган муборак айёмлардир.

Бу байрамлар асрлар давомида юртимизда саховат, хайрия ва ўзаро ёрдам каби фазилатларни мустаҳкамлаб келмоқда. Айниқса, шундай қутлуг кунларда жамиятда эҳтиёжманд қатламларга эътибор қаратиш, уларга амалий кўмак кўрсатиш эзгу анъаналарнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.

Ана шу маънавий қадриятлар давомийлиги сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳомийлигида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан кенг қамровли хайрия тадбири ташкил этилди. Мазкур ташаббус доирасида ташкилот қарамоғидаги эҳтиёжманд оилаларга 358 та озиқ-овқат тўпламлари тарқатилди. Бу рақам ортида юзлаб инсонлар тақдирини, уларнинг байрамни муносиб қарши олиши учун яратилган шароит ва энг муҳими, жамиятнинг уларга нисбатан бегараз эътибори мужассамдир.



Шунингдек, Бошқарма касабаси уюшма кўмитаси томонидан 108 нафар нафақадаги темирйўлчи учун ажратилган озиқ-овқат тўпламларини тайёрлаш ва жамлаш ишларида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти минтақавий ташкилоти ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, ўз ҳиссаларини кўшдилар. Бундай ҳамкорлик хайрия юкларини ўз эгаларига тез ва сифатли етказишда муҳим омил бўлди.

Хайрия тадбирларининг аҳамиятини фақат моддий кўмак билан чеклаб бўлмайди. У, аввало, жамиятда инсонийлик, бағрикенглик

ва ўзаро ҳурмат муҳитини шакллантиради. Эҳтиёжманд инсонларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик уларнинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, эртанги кунга умид бағишлайди. Зеро, эзгу анъаналарга таянган жамиятдагина барқарорлик ва тараққиёт таъминланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай хайрли ташаббуслар нафақат байрам арафасида, балки йил давомида изчил давом эттирилиши режалаштирилган. Чунки хайрия – бу бир марталик амал эмас, балки жамиятнинг маънавий камолоти ва

инсонийлик мезонини белгилаб берувчи узлуксиз жараёндр.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳомийлигида амалга оширилаётган ушбу хайрли тадбир юртимизда эзгу анъаналар, саховат ва хайрия маданияти юксак даражада шаклланишини яна бир бор намоён этмоқда. Бундай ташаббуслар орқали нафақат эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатилади, балки жамиятда ўзаро меҳр-оқибат, бирдамлик ва инсонпарварлик қадриятлари янада мустаҳкамланади.



Транспорт соҳасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, шаффофликни таъминлаш ва назорат самарадорлигини ошириш мақсадида темир йўл ҳамда метрополитен тизимларида рақамлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Бу жараёнда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш билан бирга, замонавий бошқарув усулларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳам амалга ошириляпти.

НАЗОРАТ ЖАРАЁНЛАРИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА

Ҳозирги кунда Республика миқёсида барча ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва инфратузилма объектларининг ягона реестрини яратиш, уларни электрон рўйхатдан ўтказиш ва соҳани рақамли бошқарувга ўтказиш мақсадида “Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур тизим Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан тўлиқ интеграция қилинган бўлиб, вазирлик ва идораларга тегишли темир йўллар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қарашли ҳаракатдаги таркиб ва инфратузилма объектларини масофадан туриб тез ва қулай тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш имконини яратди.

Айни пайтга келиб, ушбу ахборот тизими орқали жами 16 773 та ариза қабул қилинган. Уларнинг 15 219 таси ҳаракатдаги темир йўл таркибига, 1 554 таси эса темир йўл инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид бўлиб, барчаси кўриб чиқилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси темир йўл транспорт-да назорат ҳудудий бўлими (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) томонидан жами 488 та ариза қабул қилиниб, шундан 268 таси ҳаракатдаги темир йўл таркиби, 183 таси эса инфратузилма объектлари бўйича давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бу кўрсаткичлар рақамлаштириш жараёнларининг амалий самарадорлигини, шунингдек, тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар даражасини яна бир бор намоён этади.

Шу билан бирга, янги рақамли платформа темир йўл ва метрополитен объектларида назорат жараёнларини автоматлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, техник кўрик ва хизмат кўрсатиш ишларини электрон тарзда қайд этиш, таҳлил қилиш ҳамда мониторинг олиб бориш имкониятларини янада кенгайтмоқда.

Умуман олганда, рақамлаштириш назорат тизимида шаффофликни ошириш, коррупция омилларини қисқартириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлар учун хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Илҳомжон КАЛМУРАТОВ,
Транспорт назорати инспекцияси
Қорақалпоғистон Республикаси
темир йўл транспортда назорат ҳудудий бўлими бошлиғи

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ” МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Қуёв-механика заводи” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва Касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида ўқув семинари ўтказилди.



Тадбирда турли соҳа вакилларидан тузилган тарғибот гуруҳи аъзолари корхона ишчи-ҳодимлари, айниқса, ёшларимизга бу салбий иллатларнинг ҳаётимизга етказадиган салбий оқибати ҳақида маълумот беришди.

Унда “Қуёв-механика заводи” акциядорлик жамияти Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров, Бектемир тумани Дин ишлари бўйича бош мутахассис Одил Сайдалиев ва бошқалар мавзу доирасида маърузалар қилишди.

– Бугунги глобаллашув ва тараққиёт асри ҳар қимдан кучли билим ва тафаккур эгаси бўлишни, замонавий ахборот технологияларидан унумли ва мақсадли фойдаланишни, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустаҳкам фуқаролик позицияси билан ёндашишни талаб этади, – деди “Қуёв-механика заводи” акциядорлик жамияти Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар Ватанимиз келажагига ўзини масъул ҳисобловчи барча юртдошларимиз ўз ишини масъулият билан бажариши, бепарволикни олдини олиши, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга сергак ҳамда огоҳ бўлиб яшашни, онгу қалбимизни зарарли ғоялар таъсиридан асраб, Ватан тинчлиги йўлида бирдам бўлишимиз зарурлигини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ҳамда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари мазмун-моҳияти тушунтирилди. Ҳуқуқнинг ҳар қандай бузилиши муқаррар жавобгарлик ва жазога тортилиши айтиб ўтилди.

Ўқув-семинарда иштирок этган барча қатнашчилар бундай давра суҳбати ишчи-ҳодимлар, айниқса, ёшлар орасида тез-тез ўтказилиб турилиши кераклигини таъкидлашди.

Тадбир давомида мавзуга оид видео роликлар ҳам намойиш этилди.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

НАВРЎНИ УЛУГЛАШ – ИНСОННИ УЛУГЛАШДИР!

Умумхалқ байрами – Наврўз айёми муносабати билан мамлакатимизда Президентимиз қарори асосида “Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашди!” деган эзгу ғоя остида кенг қўлланми халқ сайиллари ташкил этилмоқда.



Шу муносабат билан Қарши шаҳридаги марказий хиёбонда ҳам байрамона тадбирлар юқори савияда ўтказилди. Унда “Темирўлтинфратузилма” акциядорлик жамиятига қарашли “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотлар жамоалари фаол иштирок этдилар.



Байрам сайли доирасида “Миллий қадриятлар” йўналишида турли мусобақалар ташкил этилиб, унда жамоалар ўз маҳорати ва миллий анъаналарга содиқлигини намойиш қилдилар. Тадбир якунида фаол иштирок этган жамоалар “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ҳамда Худудий қасаба уюшма кўмитаси томонидан муносиб рағбатлантирилиб, пул мукофотлари билан тақдирланди.

“ҚЎНГИРОТ МТУ” ФИЛИАЛИДА БАҲОРГИ КЎРИК БЎЛИБ ЎТДИ

“Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Т.Алламбергеновнинг 2026 йил 5 мартдаги 211-сонли буйруғига асосан узел корхоналари ва “Қўнғирот – Нукус” участкаси оралиғидаги станцияларда баҳорги кўрик назорат текширувлари амалга оширилди.

Текширув жараёнида станция ва корхона-



лардаги хўжаликларнинг ҳолати, меҳнат интизомига риоя қилиниши, иншоот ва қурилмаларнинг соз сақланиши, иш технологияларининг тўғри бажарилиши каби масалалар атрофлича ўрганилди.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси, ҳаракат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳамда профилактик тадбирларнинг олиб борилиши алоҳида назоратга олинди.



Баҳорги кўриқлар давомида темир йўл инфратузилмасининг барқарор ишлашини таъминлаш, хавфсизлик даражасини ошириш ҳамда хизмат сифатини янада яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

“ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ КУНИ” ДОИРАСИДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан тасдиқланган 1-Х-сонли “Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев ҳамда тегишли филиал раҳбарлари томонидан “Оқработ – Қарши” темир йўл участ-



каси 106-диагностика лаборатория вағони ёрдамида кўздан кечирилди.

Мазкур кузатув ишлари тоғли худудлардаги темир йўл инфратузилмаси ҳолатини ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни аниқлашга қаратилди.



Кузатув жараёнида тоғли худудларда жойлашган сунъий иншоотлар ва кўприкларнинг техник ҳолати батафсил ўрганилди. Шунингдек, ёгингарчилик даврида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинлари эҳтимоли мавжуд худудлар таҳлил қилинди.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, инфратузилмани таъмирлаш ва янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди ҳамда масъул ходимларга тегишли топшириқлар берилди.

ТЕРМИЗДА ҲАМ БАҲОРГИ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Мамадалиев раҳбарлигида узел бошлиғи ўринбосарлари, соҳалар бўйича тегишли мутахассислар, узел бўйича темир йўл назорат ташкилотлари ходимларидан иборат комиссия томонидан “Сурхонобод – Термиз – Амузанг” участкасида баҳорги кўрик ўтказилди.



Комиссия аъзолари “Сурхонобод – Термиз – Амузанг” участкасида жойлашган темир йўл станциялари ва йўлларидagi соҳалар бўйича инфратузилма, шунингдек, ишчиларга яратилаётган шарт-шароитларни ўрганишда ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича масъул раҳбарларга топшириқлар берилиб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.



Бундан ташқари, кўрик жараёнида станциялардаги хўжаликларнинг ҳолати, меҳнат интизомига риоя қилиниши, иншоот ва қурилмаларнинг соз сақланиши, иш технологияларининг тўғри бажарилиши ҳолати ўрганилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ҳаракат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, профилактик тадбирларнинг олиб борилиши ҳам алоҳида назоратга олинди.

“АНГРЕН – ПОП” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА НАЗОРАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛДИ

“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжановнинг 2026 йил 2 март кунги 65-МТУ-сонли буйруғига асосан филиал раҳбарияти ва тегишли ходимлардан иборат комиссия аъзолари иштирокида баҳорги кўрик текшируви ўтказилди.

Мазкур кўрик доирасида филиал таркибидан



ги тоғли худуд “Ангрен – Поп” темир йўл участкасида назорат текширувлари амалга оширилди.



Текширув жараёнида станциялардаги хўжаликларнинг ҳолати, меҳнат интизомига риоя қилиниши, иншоот ва қурилмаларнинг соз сақланиши, иш технологияларининг тўғри бажарилиши ҳолати ўрганилди. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ҳаракат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, профилактик тадбирларнинг олиб борилиши алоҳида назоратга олинди.

Бундан ташқари, локомотив, вагон, йўл, электр таъминоти, ва алоқа хўжаликлариди мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

“АФРОСИЁБ” ЭЛЕКТРОПОЕЗДЛАРИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШДА ҲАРАКАТLANАДИ

2026 йил 27 мартдан бошлаб юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездлари ҳафтанинг жума, шанба ва яқшанба кунлари Тошкент – Шаҳрисабз – Тошкент йўналишида қатновларни йўлга қўяди.

Мазкур қатновлар йўловчиларга қулайлик яратиб ҳамда худудлар ўртасидаги транспорт алоқаларини янада яхшилаш мақсадида ташкил этилмоқда.

Поездлар куйидаги жадвал асосида ҳаракатланади:

Тошкент – Шаҳрисабз йўналишида Тошкент шаҳридан поезд соат 06:33 да ҳаракатланади. Шаҳрисабз – Тошкент йўналишида Шаҳрисабз шаҳридан поезд соат 16:24 да ҳаракатланади.

Чипталарни расмий савдо кассалари ҳамда онлайн платформалар орқали харид қилиш мумкин.

“РАҲБАР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ

“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси раислигида ёш темирўлчи-лар билан навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.



Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда ёш ходимларнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган таклифлари, янги инновацион ғоялари ҳамда фаолият давомида юзага келаётган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар бир мурожаат ва ташаббус раҳбар томонидан тингланиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.



Тадбир якунида корхонада самарали меҳнат қилиб, ўзининг интеллектуал салоҳияти ва креатив ғоялари билан тизим тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ташаббускор ёшлар узел раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу учрашув ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва корпоратив руҳни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.



ADY ЗАПУСТИЛИ СЕРВИС ОТСЛЕЖИВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ГРУЗОВ

Железные дороги Азербайджана (ADY) объявили о запуске сервиса Cargo Tracking по отслеживанию контейнеров, следующих в международном сообщении. Информация о нахождении транзитных, экспортных или импортных грузов на любом этапе транспортировки доступна в режиме реального времени.



По номеру товаросопроводительного документа (инвойса) пользователь может получить данные о номере контейнера, его текущем местоположении, станциях отправления и назначения, дате отправления и ожидаемого прибытия, о возможных задержках доставки, а также получить техническую (паспортную) информацию о контейнере.

В настоящее время система работает на территории Азербайджана и Казахстана с перспективой распространения на другие страны, задействованные в проекте Среднего транспортного коридора.

ПАССАЖИРСКИЕ ОПЕРАТОРЫ СОВМЕСТНО ЗАКУПАЮТ РЕГИОНАЛЬНЫЕ ПОЕЗДА ДЛЯ МАГИСТРАЛИ RAIL BALTICA

Национальные пассажирские операторы стран Балтии анонсировали начало совместной тендерной процедуры по приобретению региональных электропоездов, которые будут курсировать по магистрали Rail Baltica колеи 1435 мм со скоростью до 200 км/ч. В качестве заказчиков подвижного состава выступят операторы Elron (Эстония), Vivi (Латвия) и LTG Link (Литва).



Эстония намерена приобрести пять поездов с размещением опциона еще на два поезда, Латвия – до пяти поездов, Литва – до восьми поездов. Объявление о тендере планируется разместить в эстонском реестре госзакупок не позднее 4 мая 2026 г.

В БОЛГАРИИ НАЧИНАЮТСЯ ИСПЫТАНИЯ ДВУХ ЭЛЕКТРОПОЕЗДОВ ŠKODA

Компания Škoda Group провела в Болгарии презентацию первого электропоезда семейства RegioPanter, построенного по контракту, подписанному в сентябре 2024 г. с минтрансом этой страны. Два поезда, изготовленные в течение 14 мес после заключения контракта, успешно прошли цикл динамических испытаний в Чехии и теперь в течение нескольких месяцев будут тестироваться на инфраструктуре железных дорог Болгарии.



Четырехвагонные поезда рассчитаны на движение со скоростью до 160 км/ч по линиям, электрифицированным на переменном токе напряжением 25 кВ, и оборудованы бортовыми устройствами европейской системы управления движением ETCS уровня 2. В каждом из них имеется более 300 мест для сидения и многофункциональные зоны для размещения пассажиров на инвалидных креслах, детских колясок и велосипедов. Частично низкий уровень пола вагонов облегчает посадку-высадку пассажиров. Предусмотрены кондиционирование воздуха в салонах, доступ к Интернету через сеть Wi-Fi и видеонаблюдение внутри и снаружи вагонов.

Контракт суммарной стоимостью около 500 млн евро предусматривает поставку 25 поездов и их техническое обслуживание силами Škoda Group на территории Болгарии в течение 15 лет.

По материалам интернета

ЭЪЛОН

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти “Марказий клиник” шифохонаси филиалининг Хўжалик бўлими ҳовли супурувчиси Эрматова Матлуба Султаналиевнанинг 23688 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

САЁХАТ ҚИЛИНГ

Мадрид шаҳрида БМТнинг Барқарор спорт туризми мукофотларини тақдим этиш маросими ABB Formula E FIA Жаҳон чемпионати доирасидаги 2026 CUPRA Raval Madrid E-Prix билан биргаликда бўлиб ўтди.

“SALOMON CAPPADOCIA ULTRA-TRAIL” ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ушбу тадбирда БМТ Туризм ташкилоти ҳамда Халқаро автомобиль федерацияси (FIA) томонидан ташкил этилган “Барқарор спорт туризмида мукамаллик мукофотлари” доирасида “Salomon Cappadocia Ultra-Trail” мусобақаси юқори баҳоланиб, “Спорт туризмида ижтимоий таъсир” йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Мазкур эътироф Туркиянинг барқарор спорт туризмидаги етакчи манзил мавқеини янада мустаҳкамлади.



Тадбирда спорт ва туризми барқарор ривожланиш йўлида самарали уйғунлаштирган илғор тажрибалар ҳамда инновацион лойиҳалар эътироф этилди. Шу билан бирга, у мутахассислар ва соҳа етакчилари учун тажриба алмашиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш имконини ҳам яратди.



Туркиянинг афсонавий ва жозибador Каппадокия ҳудудида ўн икки йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган “Salomon Ultra-Trail” мусобақаси дунёнинг турли бурчакларидан спортчиларни бир майдонга жамлаб келмоқда. Бу йил у 13 мартаба ташкил этилади.

Пойга спортнинг бирлаштирувчи кучи орқали ҳудудга кўплаб меҳмон ва томошабинларни жалб этиб, Туркия ва Каппадокияга бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

ТУРКИЯ ВА КАППАДОКИЯ: ЙИЛ ДАВОМИДА ОЧИҚ ҲАВОДАГИ САРГУЗАШТЛАР

Туркия – мовий денгизлар ва олтинранг соҳиллардан тортиб, ям-яшил ўрмонлар ҳамда улғувор тоғлар бағридаги водийларгача чўзилган бетакрор манзаралари билан очiq ҳавода ҳордиқ чиқаришни севувчилар учун кенг имкониятлар тақдим этади. Қадимги цивилизациялар излари сақланиб қолган ҳудудларда сайр қилиш, турли рельефларда велосипед ҳайдаш, қорли чўққиларда чанги учини, қарағайзорлар орасида гольф ўйнаш, чуқур дараларда рафтинг ва каньон саёҳатлари, шунингдек, паратлайдинг, қояга чиқиш, сузиш ва шўнғиш каби фаолиятлар бу ерда бир бутун тажрибага айланади.



Туркиянинг эртакнамо ҳудуди – Каппадокия эса ўзининг машҳур пери бажаларидан ташқари ранг-баранг саргузаштларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда сайёҳлар яширин водийлар бўйлаб отда сайр қилиши, вулқон жинслари орасида пиёда сайр қилиши, қояга ўйиб ишланган қадимий гор уйлар ва ибодат масканларини кашф этиши ёки анъанавий куполчилик устахоналарида асрлар давомида сайқал топган ҳунармандчилик билан яқиндан танишиши мумкин.

Каппадокия ўзининг ҳайратланарли табиати, саргузаштларга бой муҳити ва маданий мероси билан йил давомида ҳар бир сайёҳга унутилмас таассуротлар улашади.

ЖАМШИД НОРМАТОВ 1984 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ БЕШАРИҚ ТУМАНИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН. У 2006 ЙИЛИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ РЕЖИССЁРЛИК ФАКУЛЬТЕТИНИ ТАМОМЛАГАН. ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ 2000 ЙИЛЛАР БОШИДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ВА ТАНТАНАЛАРДА БОШЛОВЧИЛИК ҚИЛИШДАН БОШЛАГАН ИЖОДҚОР ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЎЗ УСЛУБИГА ЭГА БЎЛДИ. У 2019 ЙИЛ “ТУРКИСТОН” САНЪАТ САРОЙИДА ИЛК ЯККАХОҲОН КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

ЖАМШИД НОРМАТОВ:

“КУЛДИРИШ ҲАМ, ЙИҒЛАТИШ ҲАМ – БУ ҲАҚИҚИЙ ИСТЕЪДОД”

2023 йилда соҳа мутахассислари ва халқ томонидан “Энг яхши бадиий сўз устаси” сифатида эътироф этилди. 2024 йилда “Янги Ўзбекистон юлдузлари” миллий мукофоти доирасида “Йилнинг энг яхши қизиқчиси” номинацияси ғолиби бўлди. Бугунги кунда “Халқлар дўстлиги” санъат саройида бир неча бор муваффақиятли концертлар берган, сўз санъатида ўз ўрнини топган маҳоратли қизиқчи ва бошловчи Жамшид Норматов билан дилдан сўхбатлашдик.

– Инсонларни қулдириш осонми ёки йиғлатиш?

– Менимча, ҳам қулдириб, ҳам йиғлата олиш – ҳақиқий истеъдод белгиси. Саҳнада томошабинни чин дилдан қулдириш қанчалик қийин бўлса, таъсирли монолог ёки қалбга етиб борувчи сўз билан йиғлатиш ҳам шунчалик маҳорат талаб қилади. Ҳаётда бировнинг дилини оғритиб, йиғлатиш осондир, лекин саҳнада бу икки туйғу ёнма-ён юради. Томошабин қалбига кириб боришнинг ҳар икки йўлини ҳам юксак санъат деб биламан.

– Блогерлар ва санъаткорлар ўртасида қандай фарқ бор?



– Фарқи жуда катта ва бу икки соҳани ажратиб олишимиз керак. Масалан, “Миттвайн” каби жамоавий блогерлар бор, улар катта бир гуруҳ бўлиб ижод қилишади. Лекин бизда Муҳаммадисо Абдулхайиров каби ҳақиқий талант эгалари борки, ўн киши қиладиган ишни битта ўзи қойиллатади. Санъаткорликда мана шундай индивидуал маҳорат устун туради. Албатта, блогерлик ҳам бугунги замон-

нинг ўзига хос йўналишига айланди, лекин санъат барибир юқорироқ мақомда туради деб ўйлайман.



– Концерт беришдан мақсад машҳурликми ёки моддий манфаатми?

– Менинг ичимда фақат ўзимга хос бўлган, бошқа биров ижро этса ярашмайдиган репертуарларим бор. Бу худди фақат менга лойиқ қилиб тикилган костюмдек гап. Концерт беришдан асосий мақсадим – мана шу йиғилиб қолган ижод намуналарини халққа етказиш, “менда янги гап бор” дейишдир. Кимдир машҳурлик, кимдир пул учун саҳнага чиқар, лекин мен учун асосий мақсад – берилган истеъдодни намойиш этишдир.

– Бугун нима учун одамлар шукр қилишни унутишмоқда?

– Аввало, фикр қилишни ўрганишимиз керак, шунда шукр қилиш ўз-ўзидан кела-

ди. Кимнингдир ҳаётига қараб хулоса чиқариш лозим. Соғ-саломатмисиз, демак, сиз энг бахтли инсонсиз. Кўпчилик замон билан мусобақалашиб, кўпроқ нарсага эга бўлишни истади ва борини қадрламай қўяди. Инсон қачонки шукр қилишни бошласа, ҳаёти ижобий томонга ўзгаради. Фикр қилмаган одам шукр қилишдан йироқ бўлади.

– Сўз устаси оригинал бўлиши учун нима нарға эътибор бериши керак?

– Энг аввало, Аллоҳ берган истеъдод бўлиши шарт. Ундан кейин эса тинимсиз изланиш, бой репертуар ва катта тажриба керак. Энг муҳими – китоб ўқиш. Китоб ўқиган ижодкорнинг дунёқарши кенгайди ва ўз йўлини топиши осонлашади. Қизиқчиликнинг бир неча йўналишлари бор: агар ижодкор ўз образини топиб, маҳоратини чархласа, унинг истеъдоди ойнадек порлаб кўринади.

– Темир йўл соҳаси ва темирйўлчилар ҳақида фикрингиз? Охириги марта қачон поездга чиққансиз?

– Темирйўлчиларга ҳурматим жуда баланд. Ҳар сафар уларнинг тадбирларида иштирок этганимда бир гапни айтаман: санъат нонини ейиш учун “темир тиш” керак бўлса, ҳақиқий санъатни қадрлаш учун темирйўлчи бўлиш керак. Бу соҳа вакиллари жуда жипслашган ва маданиятга ўч инсонлардир. Раҳбариятдан тортиб оддий ишчигача санъаткорни эшитиб, маданий ҳордиқ чиқаришни билишади. Темир йўл – ўз қадрини билладиган, бағрикенг инсонлар даргоҳи. Барча темирйўлчиларга соғлиқ ва касбий барака тилайман, сизлар доим олдиндасиз!

Аваз ОМОНОВ сўхбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-334 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6